

Ishonch

2018 йил 26 апрель • пайшанба • № 50 (4023)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

ИЖТИМОЙ СОҲАДА МУҲИМ ХАЛҚАРО АНЖУМАН



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббусига кўра ташкил этилган ушбу анжуманни ўтказиш ғояси Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Умумевропа касаба уюшмалари ҳудудий кенгаши, Халқаро иш берувчилар ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланди ва унинг ишида ушбу нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг 30 тадан ортиқ мамлакатидан келган касаба уюшмалари марказлари раҳбарлари, шунингдек, жаҳон миқёсида эътироф этилган хорижий экспертлар катнашмоқда.

Бундан ташқари, анжуманда Ўзбекистонда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги вакиллари ҳамда ҳамкор ташкилотлар — вазир-

лик, идора ва муассасалар, парламент аъзолари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий муассасалар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Конференция Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла РАФИҚОВнинг табрик сўзи, «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги маърузаси билан бошланди.

Таъкидлаб ўтилдики, Тошкент конференциясининг асосий мақсади 2021 йилгача бўлган даврда мамлакатимизни риволантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат-



лар стратегияси доирасида давлат органлари, касаба уюшма ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг турли институтлари билан изчил ҳамкорликда Ўзбекистонда эришилган кучли ижтимоий сиёсат натижаларини халқаро жамоатчиликка етказишдан иборат.

— Алоҳида фахр-ифтихор билан сизларга шунинг етказишчи истардимки, бугун Ўзбекистон халқи давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида кенг қўламли ислохотларни кўтаринки кайфият ва эртанги кунга ишонч руҳида амалга оширмоқда, — деди Қудратилла Рафиқов. — Тарих мезонларига кўра ўта қисқа фурсат — бор-йўғи 20 ой ичида қарийб 33 миллион нафар аҳолининг ҳаёти ва кайфияти сезиларли даражада ўзгарди. Чунки ижобий жараёнлар ҳар куни ва ҳар қадмда ўзини намоён қилмоқда.

Маърузада мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бўйича муфассал ахборот берилди.

2

КУН НАФАСИ

Туркия пойтахтида ишбилармон кишиларнинг «ЕсоАврасья» жамоатчилиги бирлашмаси томонидан «Турк халқлари олдидаги хизматлари учун» танлови доирасида таъсис этилган «Евроосиё олдидаги хизматлари учун» юксак мукофотининг дастлабки лауреатларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловнинг асосий номинацияси голиблиги учун турли номзодларни ўрганиб чиқилиб, уни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга беришга қарор қилинди. Юксак мукофот давлат раҳбари томонидан мамлакатда амалга оширилаётган ва нафақат республика, балки минтақадаги муносабатларни фаоллаштиришнинг асосий омилига айланган чуқур ҳамда жадал ислохотлар учун берилди.

Хитой пойтахти Пекинда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) кирувчи давлатлар ТИВ раҳбарлари мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов раҳбарлигидаги делегация иштирок этди.

«Ўзбекистон Қуръон мусобақаси — 2018» Республика босқичининг эркаклар ўртасидаги голиблар аниқланди. Ҳакамларнинг қарорига мувофиқ андижонлик Убайдуллох қори биринчи ўринга сазовар бўлди. Голибга мукофот тарикасида уч кишига ҳаж сафари учун сертификат топширилди.

Эркак қорилар ўртасида ўтган мусобақанинг олий ўринига эса қорақалпоғистонлик йўлдошбек қори Нуриддинов муассар бўлди. Унга Президент совғаси — «Gentra» русумли автомобиль совға қилинди.

Маъмур мусобақанинг республика босқичида аёл қорилар ўртасида голибларни аниқлаш тадбири ҳам бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистонда жорий йилнинг май ойида «Ҳадислар билимдонли» кўрик-танловини ўтказилади. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент шаҳар вакилиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизматининг хабарига кўра, тез кунларда Иккинчи жаҳон уруши йилларида турли миллатларга мансуб бўлган 15 нафар болани ўз қанотига олган Шоахмад ва Баҳри Шоахмудовлар оиласи жамланган хайкал «Истиқлол» санъат саройи майдонида қад кўтарилди.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Кино саройида Хитой киноси кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтаётган маъмур тадбирларда хитойлик кинорежиссёрлар томонидан сурағат олинган «Пул йўлида югурмоқда» ва «Янги уланган гуллар» фильмлари намойиш этилади.

Шу кунларда «Марварид» болалар студияси Туркияда бўлиб ўтаётган халқаро болалар фестивалида иштирок этмоқда. Улар ўзбек миллий санъатининг дунёнинг 40 тадан зиёд мамлакатидан келган иштирокчилар эътиборига ҳавола этишни мақсад қилган.

«Марварид» болалар студияси жажжи санъаткорлари ўзбек миллий кийимлар билан ижро этилган рақслари орқали иштирокчилар олқишига сазовор бўлишди.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳақиқий зиёлининг рутбаси

Ёшлар таълим хусусида
жиддий бир тақлиф

Биз дунёга чиқмоқдамиз, жаҳон таълим жараёнидаги илғор тажрибаларни ўрганмоқдамиз. Тараққий этган мамлакатлар таълимидаги энг муҳим масала — бу том маънодаги саводхонлик. Ўз миллий тилида фикрлаб, ўз миллий адабиёти ва адабий тилини чуқур ўрганиб, ундан кейин бошқа тилларни ўрганиш — қорейслару японларда ҳам, фаранг уламоилар таълим тизимида ҳам ҳаёт-маънат масаласидир.

Дўстлик ришталари

Дўстлик — беназир қадрият. Қувончимизни ҳам, ташвишларимизни ҳам дўстларимиз билан баҳам кўрамиз. Кейинги йилларда мамлакатимизда яқин қўшниларимиз билан муносабатларимизнинг янада мустаҳкамланаётгани, миллатлараро тотувлик ва дўстликка асосланган давлат сиёсатининг амалга оширилаётгани энг чекка қишлоқларда ҳам юртдошларимизнинг қувончига сабаб бўлмоқда.


Бир илдизли икки дарахт

Бугунги кунда Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги Гойбу қишлоғида туркман миллатига мансуб 4000 нафардан ортиқ юртдошларимиз умргузаронлик қилади. Қишлоқда таълим туркман тилида олиб борилувчи мактабгача таълим муассасаси ҳамда умумтаълим мактаби фа-

олият кўрсатади. Қишлоқ мамлакатимиз раҳбарининг эътибор ва ғамхўрликлари натижасида тобора чирой очиб, янада серфайз ҳудудга айланди. Бир йил ичида янги-янги намунавий лойиҳалар асосида 1 ва 2 қаватли 64 та уй-жой, умумтаълим мактаби ва мактабгача бошланғич муассасаси,

шифоҳона қурилиб, эл ихтиёрига берилди. Икки томонда арчалар, турли ниҳоллар қад кўтарган, гуллар экилган кенг ва раво йўللار, йўлакларнинг кўркамлигини айтмайсизми? Эндиликда бу қишлоқни шаҳарчадан фарқлаш қийин.

3





41

— Боболаримиз асли Марвдан. Марвлик туркманлар Хивага келганда шу хуудлардан ўтишган. Пишириб оқатган Ғозовотга назари тушган. Шу боис хон хузурига кирганда Ғозовот атрофларидан жой беришни сўрашган. Ўша пайтдаги Хива хони, улуг тарихчи ва сиёсатчи Абулғозий Баходирхоннинг розилиги билан хозирги Ғойбу кишлоғи худудига қўчиб келишган ва бу ерда эндиликда «Удли ҳовли» номи билан дунёни ўзига қаратиб келаётган ҳовли барпо этилган, — дейди Хоразм вилояти «Ўзбек-туркман» миллий маданий Маркази раҳбари Давлатназар Ражабов. — Давлатимиз раҳбари ўтган йили 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида кишлоқда замонавий ва миллий архитектура уйғунлигида бунёд этилган «Дўстлик» уйида бўлиб, ушбу бинони ахиллик ва бирдамликни мустаҳкамловчи ҳақиқий маънавият масканига айлантириш юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини берди. Президентимиз ташаббуси билан «Удли ҳовли» тарихий обидаси қайта тикланди. Эндиликда бу ерда миллий урф-одат ва анъаналаримиз ривожини таъминлашга хизмат қилувчи хунармандчилик устоналари ва тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда.

— Фарзандларим билан замонавий уйга қўчиб ўтдик. Кексалик гаштини ўзим узок йиллар орзу қилган шароитдаги уйда ўтказиш бахтига муяссар бўлдим, — дейди Оллаёр Бобожонов. — Ўтган йили хонадонимизга мухтарам Юртбо-

Бир илдизли икки дарахт

шимиз ташриф буюрди. Бу билан уйимизга кетмас давлат, улкан толе, минглаб инсонлар орзу қиладиган саодат кириб келди. Ушбу самимий суҳбат мени ва фарзандларимни бутун ҳаётимиз давомида кўксимизни кериб, гурурланиб яшашга ундайди. Биз энди Президентнинг қўлини тутган инсонлар сифатида кишлоғимизда маънавият, маърифат тарқатишни, яқин қўшничилик, миллатлараро тотувлик муносабатларининг йўлга қўйилишига ҳисса қўлишни, оилаларда меҳр-окибатни кучайтиришни фарз ва қарз деб биламиз.

ДЎГРАМА ПИШИРИЛАДИГАН КУН

Туркман халқига бўлган эътиборни нафакат Ғойбу кишлоғида, балки вилоятимиз ва мамлакатимиз микёсида амалга оширилаётган кўплаб ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хоразмнинг деярли барча туманларида туркман миллатига мансуб фуқаролар фаровон турмуш кечирмоқда.

— Тақдир тақозоси билан 1986 йилда қўшни Туркменистон Республикасидан бу ерга



Шундай тинч, обод юрда яшаётганимдан манунман.

Қўшқўпирнинг Ших кишлоғида табаррук отахон, туркман миллатига мансуб Куммижон Валназаров истикомат қилади.

— Ота-онам тақдир тақозоси билан ўтган асрнинг 30-йилларида Туркменистондан бу ерга қўчиб келишган экан. Аслида, кишлоғимизга Туркменистон жуда яқин. Мен шу ерда туғилиб ўсдим. Турмуш ўртоғим ҳам туркман миллатига мансуб. Умрим далада ўтган. Истиклолдан сўнг биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги

ташқил қилдим. Ҳозир хўжаликни ўғлим бошқаради, — дейди отахон. — Ўзбекистон — она юртим. Ўзбек қўшнилари билан иноқ яшаймиз. Мени Куммижон оға деб хурмат қилишади. Янги фермер хўжалик ташқил қиляётганлар ҳамиша маслаҳат сўраб келишади.

Оймонжон Пирматова ҳам шу кишлоқда яшайди. Келин бўлиб тушганига 20 йилдан ортган. Тикувчи, хунарманд шогирдлари жуда кўп. У кишлоқдаги фольклор дастасига аъзо. Туркманча қўшиқларнинг мохир ижроچиси.

Оймонжон опадан машхур туркман таоми бўлган дўграма ҳақида сўраймиз.

— Дўграма меҳмон-

бўктирилганда ҳам эзилиб кетмайди, меҳмон бу таомни ўзи учун махсус тайёрланганини ҳис қилади. Меҳмонга дўграма ва шўрваси алоҳида тортилади, — дейди Оймонжон опа. — Мен турли байрам кунларида дўграма тайёрлаб, маҳалладошларимизни меҳмонга қақираман.

МАХТУМҚУЛИ АНЪАНАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзига хос туркман анъаналари, рақслари, БЕТАКРОР ЛИБОСЛАРИ КЎПЧИЛИКНИНГ ҲАВАСИНИ КЕЛТИРАДИ. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕК-ТУРКМАН ДЎСТЛИГИ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАЁТГАНИ НАТИЖАСИДА ИККИ ХАЛҚ УРФ-ОДАТЛАРИ ЖЎРЛИГИДА ТАШҚИЛ ҚИЛИНАЁТГАН БУНДАЙ ТАДБИРЛАР ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ИЖОБИЙ ҲИССА ҚЎШМОҚДА.

Буёқ туркман шоири Махтумқули Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олгани кўпчиликка яхши маълум. Бугун ҳам тарихий анъаналар давом этмоқда. Урганч давлат университети, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Урганч тиббиёт коллежи ва бошқа ўқув юрпларида кўплаб туркменистонлик ёшлар таҳсил олмоқда. Уларнинг тенг шароитларида ўқиши учун барча имконият яратиб берилган.

Кўни кеча Урганч тиббиёт коллежида «Бокий бўлсин ўзбек-туркман дўстлиги» мавзусида байрамона тадбир ташқил қилинди. Унда коллежда таҳсил олаётган 128 нафар туркменистонлик ёшлар фаол иштирок этди. Тадбирга ташриф буюрганлар «Ўзбек-туркман дўстлиги» кўргазмасини хайрат билан томоша қилишди. Тадбирнинг «Дўстлик мадҳи тилларда» деб номланган қисмида ўзбек, туркман тилларида дўстлик ҳақида шеърлар янгради. Туркман ўқувчилари «Куш тепди» ва «Елпессе» туркман миллий рақсларини, туркманча қўшиқларни мохирона ижро этишди.

— «Куш тепди» рақси туркман халқининг сеvimли рақсларидан. Барча байрам тадбирларида ушбу рақс ижро қилинади, — дейди 2-босқич ўқувчиси, туркменистонлик Шанур Аманязова. — Айтишларича, қадим замонларда бетоб бўлганларни табиблар шу рақс мусиқаси билан даволашган экан. Шунинг учун ҳам бу қуй ва рақс биз учун қадрли.

Ҳа, ўзига хос туркман анъаналари, рақслари, бетакрор либослари кўпчилиكنинг ҳавасини келтиради. Кейинги йилларда ўзбек-туркман дўстлиги тобора мустаҳкамланиб бораётгани натижасида икки халқ урф-одатлари жўрлигида ташқил қилинаётган бундай тадбирлар ёшларнинг маънавий камолотига ижобий ҳисса қўшмоқда. Зеро, тинчлик ва дўстлик тараннумидан гўзалроқ ташбех бўлмаса керак. Тадбир иштирокчилари илдири бир икки дарахтга қиёсланган ўзбек-туркман дўстлиги бокий бўлсин, деб тилак билдирдилар.



Мухаббат ТЎРАБОЕВА
«Ishonch»

Ҳикмат

Яхши ишларнинг яна бир афзаллиги шундаки, у қалбни юксалтиради ва уни янада эзгу ишларга мойил қилади.

Жан Жак Руссо

Меҳнат муҳофазаси

Меҳнат муҳофазаси тадбирларида, кўпинча, бир сўмни тежайман деб миллионларни бой берманг, дея таъкидланади.

Тежайман деб бой берманг

Ходимлар меҳнати муҳофазасини таъминлаш, иш ўринларида санитария-гигиена талабларига мос чора-тадбирларни амалга ошириш иш берувчининг вазифаси ҳисобланади. Бу борада тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида қасаба уюшма ташкилотлари ҳамкорлигида Андижон вилоятидаги қатор қорхона ва ташкилот мутасаддилари иштирокида ўқув-семинарлар ўтказиш мунтазам равишда йўлга қўйилган. Айрим нохуш ҳолатлар рўй берган қорхоналарда навабдан ташқари ўқув машғулотлари ўтказилди. Шунингдек, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида»ги қонун ижроси бўйича ҳам қорхона ва ташкилотларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташқил этилиб, «Ўзғароусўғурта» АЖ, «Ўзбекинвест», «Asia insurance», «GROSS INSURANCE», «Капитал» ва бошқа сўғурта компаниялари орқали ишчилар сўғурта қилинмоқда.

Бирок шунга қарамай ўтган йилда бир қанча кўнгилсиз ҳолатлар юз берди. Масалан, «Оқсув» фермер хўжалиги ишчиси, 1980 йилда туғилган Нишон Қозимов 29 август кўни эҳтиёсизлиги оқибатида нарвондан йиқилиб, тан жароҳати олган. Фермер хўжалиги раиси Н.Қозимовни шифохонага олиб борган, унга малакали тиббий хизмат кўрсатилган. Бундан ташқари, Олтинқўл туманидаги «Kgrab tex» қорхонаси ишчиси Рўзиматой Зухриддинова дасттоҳларнинг ишлаш жараёнини текшираётганда ил-газламани кесув дасттоҳига ўнг қўли кириб кетиши оқибатида бармоқлари жароҳатланди. Тўғри, бу каби жароҳатлар учун иш берувчи томонидан тоvon пуллари тўланиши мумкин. Аммо аввалгидек соғлигини тўлиқ тиклаб олади, деб қим қафолат беради?

Шундай экан ҳар бир киши, аввало, ўз соғлиғига ўзи масъул эканини унутмаслиги лозим. Қолаверса, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларига қатъий амал қилиши шарт. Бу икки омил рўй бериши мумкин бўлган турли кўнгилсизликларнинг олдини олади.

Сардорбек АБДУРАҲМОНОВ,
Андижон вилояти меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси
Давлат инспекцияси бошлиғи

Қулайлик

Сирдарё
вилояти божхона
бошқармаси янги
бинода иш
бошлади.



Божхоначилар янги бинода

— Бу ерда божхоначиларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратилган. Замонавий техникалар ўрнатилган. Мавжуд лаборатория юқори аник-

ликда таҳлил қилади. Бир сўз билан айтганда, божхоначилар учун нима зарур бўлса, ҳаммаси мухайё, — дейди бошқарма бошланғич қасаба уюшмаси ташкилоти ра-

иси Маъруфжон Тожиёв.

Ойбек Эшонкулов раҳбарлигидаги «Улуғбек-Янгиер-қурилиш» МЧЖ қурувчилари саъй-ҳаракати билан иншоот муддатидан илгари фойдаланишга топширилди.

Бинонинг очилишига бағишланган маросимда Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев, Давлат божхона қўмитаси ра-

иси, генерал-майор Муроджон Азимов иштирок этди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» муҳбири.
ЎЗА суратлари.

Диққат, танлов!

XVI «ЭКОЖУРНАЛИСТИКА» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Экология соҳасида фаолият олиб бораётган журналистларнинг малакасини ошириш, атроф-муҳит ва унинг муҳофазасидаги муаммоларни ёритишда ОАВнинг ролини кучайтириш мақсадида Ўзбекистонда 16 йилдан буён Экожурналистика миллий танлови ўтказиб келинмоқда.

2017-2018 йилларда мазкур танлов Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аxbорот хизмати, Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Миллий аxbорот

агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва аxbорот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари эkoфoрyми томонидан ташқил этилмоқда.

Танловга 2017 йилнинг 1 майдан 2018 йилнинг 1 майига қадар мамлакатимиз оммавий аxbорот воситаларида чоп этилган ва эфирга узатишган ижодий ишлар тақдим этилиши мумкин. Миллий танлов шартларига асосан «Телевидение», «Радио», «Босма ОАВ», «Интернет» йўналишлари ва «Сув — бу ҳаёт» мавзусидаги махсус номинация бўйича ижодий ишлар қабул қилинади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекис-

тон Миллий аxbорот агентлиги, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси, www.parliament.gov.uz, www.fundngo.uz, www.eco.uz, www.uznature.uz, www.ngo.uz, www.ecoforum.uz веб-саҳифалари «Экожурналистика» танловининг аxbорот қўмакчиларидир.

Танловга ижодий ишлар 2018 йил 20 апрелдан 20 майга қадар Ўзбекистон Экологик ҳаракати биносиди (Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 59-уй), электрон шаклда info@eco.uz электрон почтаси орқали қабул қилинади.



Ташкилий қўмита
Телефон: 0371 230-41-53
e-mail: info@eco.uz

Шахсий фикр

Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

Инсон умр бўйи ўз жисми ва руҳини комиллик сари юксалтириб боради. Бу йўлда унга таълим, тарбия, китоблар, санъат асарлари ва бошқа кўплаб маънавий омиллар ёрдам беради. Хусусан, бадий асарларни қўнт билан ўқиган ва чексиз завқланган одамнинг юраги тоза-риб, инсонлараро муомала-муносабатидида самимият ҳамда яхшилик аломатлари зоҳир бўлади. Инсоният томонидан бунёд этилган абадиёт обидалари ичида бадий адабиёт ўз шукҳи, беназир таровати ва гўзаллиги билан ажралиб туради.

шув ўзининг яхши самараларини беради. Яхши адабиёт муаллими ҳеч қачон Д.Менделеевнинг кимёвий жадвалига тескари қарамайди. Жула

хабар бўлиши лозим. Акс ҳолда, юрагида иймон нури бўлмаган одамга нисбатан «зиёли» деган сифатни қўллаш тўғри келмайди. Истеъдоди файласуф, журналист ёки филолог бошқа соҳа мутахассислари билан бемалол суҳбатлаша олиши лозим. Шунда инсонлараро мулоқот, яқин муносабат пайдо бўлади, ҳаёт қизиқарли томонга йўналади ва гўзаллашади. Инсониятга тўғри йўл кўрсатиш ва қалбига завқ-шавқ бағишлашни зиммасига олган адиблар, қалам аҳли ижтимоий ҳаётнинг барча нозик қирраларини, табиат, табобат, наботот, хай-вонот оламига доир жуда инжа ҳодисаларни, уларнинг мирини ҳам, сирини ҳам билиши керак. Акс ҳолда, ёзувчиларнинг ҳар қандай тасвири — у хоҳ инсонни ёки жонзот, жонли табиатни ёки осмон жисмлари бўлсин — бировни ишонтирмайди. Адибнинг ўзи ишонмаган воқеликни тасвирлаши ҳосили йўқ дарахтдан бошқа нарсаси эмас. Сатирик ёзган ҳажвийсидадан қаҳ-қаҳа отиб, акалли мийинида кулмас экан, уни ўқиган «Муштум» ёки «Тўқмоқ» журнали мухлисларини китиклаб ҳам қуддириб бўлмайди. Бундай омадсиз ёзувчининг ночор асари

бек адабиётининг алифбосини ҳам билмайди. Аксарият талабалар ўзбек тилида раво гапира олмаслиги, имло ҳамда услубий хатоларсиз ёза олмаслиги ҳам энг катта муаммолардан бири саналади. Бу ҳақиқатдан кўз юмиш давраларда оёғини осмонга кўтариб, ўйин кўрсатаётган масҳарабоз қилиқларини томоша қилишдек гап. Ҳақиқатга тик боқиб, ўрнини топиб ҳақ гапни айтиш — виждонли ва иймони бутун одам юрагининг акс садоидир...

Олий маълумотли етук мутахассис бўлиш чин маънодаги зиёиликни талаб қилади. Олий таълимдан кейин дипломи мутахассис эртага раҳбар бўлиши мумкин. Имо-ишора тили билан жамоани бошқариб бўлмайди. Раҳбарнинг нотик бўлиш ва ўз гоҳларига одамларни ишонтириши — бу жуда муҳим масаладир. Шу боис ҳар қандай олий ўқув юртида нутқ маданияти, адабиёт ва ўзбек адабий тили бўйича таълимни давом эттириш йўлларини топиш ҳамда шу талабга мос намунавий режалар, фан дастурлари тузиб, амалиётга таътиб этиш вақти аллақачон пишиб етилди.

Биз дунёга чиқмоқдамиз, жаҳон таълим жараёнидаги илгор тажрибаларни ўрганмоқдамиз. Тараққий этган мамлакатлар таълимидаги энг муҳим масала — бу том маънодаги саводхонлик. Ўз миллий тилида фикрлаб, ўз миллий адабиёти ва адабий тилини чуқур ўрганиб, ундан кейин бошқа тилларни ўрганиш — корейслару японларда ҳам, фаранг-у олмонлар таълим тизимида ҳам ҳаёт-мамат масаласидир. Билъакс, миллатнинг энг асосий атрибутларидан бири бўлган тил қашшоқлашади, йўқлик сари равона бўлади. Тилини йўқотган, она тилини ўз қўллари билан ўлик тиллар қаторига қиритиб, лоқайд қўл қовуштириб ўтирган одам асло саводтманд эмас. Бундай тоифа ҳеч қачон ўз халқининг ҳам, ба-шариятнинг ҳам ҳурмат-эҳтиромини қозона олмайди. Бугун дунёдаги таракқий этган мамлакатлар ахли, биринчи навбатда, ўз она тили микёси ва муҳи-тада тафаккурини тизимга солади, шакллантиради. Бу ҳол худди эмбрионнинг она вуқудига секин-аста бунёд бўлишига ўхшайди. Жаҳоншумул тафаккур, Ер сайёраси аҳлига манфаат етказадиган ҳақиқий зиёли биринчи навбатда ўз миллий тили заминига оёғини мустаҳкам қўйиши, ўзини, ўзлигини, ўз авлод-аждодаларини англаб етиши ва шундан кейингина бошқа тилларни ўрганишга ружу қўйгани маъқул. Ҳар ҳолда биз бугунги ўрта, ўрта-ма-

хус ва олий таълимда шундай таъминли илгари суришимиз дунё ҳамжаҳиятидаги миллий-маънавий қиёфамизни ҳам, илмий-техникавий, адабий-маданий мартабамизни ҳам намоён қилиш учун асос бўлади. Мен ҳар бир соҳа мутахассиси ШАХС ўларок ўз миллий қадриятлари ва умуминсоний қарашларида қатъий фикрга, руҳий-маънавий юрак бутунлигига эга бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Бундай ШАХС ҳақиқий зиёлига хос мартабага муносибдир.

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!

Юрган — дарё...

Касаба уюшмалари томонидан ташкил қилинаётган қадимий ва навқирон шахарларимизга саёҳатлар буюк ва шонли тарихимиз билан янада чуқурроқ та-нишишимизда муҳим аҳамият касб этаётир.



Яқинда биз, боготлик 21 нафар касаба уюшма аъзоси Бухорода саёҳатда бўлдик. Аввалига, «беш кун қўллик қилмасмикин», деб ўйлагандик. Адашган эканмиз. Бетақорр шахар билан яқиндан танишиш учун бир ой ҳам камлик қилар экан.

Саёҳат давомида Баҳовуддин Нақшбанд бобомиз мангу қўним топган қадимжода юртимиз тинчлигини, фаровонлигини тилаб дуо қилдик. «Ситоран Мохи Хоса», «Лаби Ховуз»да бўлдик. Бухоронинг қадимий обидалари билан яқиндан танишдик. Диккатга сазовор жойларини томоша қилдик.

«Жўйзар» дам олиш масканида бўлган масрур онларимизни, ўйламанки, узок вақт эслаб юрсак керак. Тиббий кўрикдан ўтиб, муолажалар олдик. Истеъдод соҳибларининг концерт дастурлари дилларини хушнуд этди. Умуман, сафардан ҳам маънавий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан лозим бўлган барча озукаларни олдик. Бунинг учун Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Богот туман кенгашидан миннатдормиз.

Дилбар КАРИМОВА,

Богот туманидаги 14-мактабга
таълим муассасаси тарбиячиси

Нуронийлар мамнун

Янгийўл туман ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан 50 нафар кекса отахону онахон қўҳна ва ҳамиша навқирон Са-марқанд шахрини зиёрат қилдик.

Йўл-йўлакка бириктирилган махсус шифокор ҳар биримизнинг соғлиғимизни назорат қилиб борди. Дастлаб Имом Бухорий зиёратгоҳида бўлдик. Қадимий обидалар, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар барчамизда ўзгача таассурот қолдирди. Саёҳат давомида жаннатмонанд юртимизда эл фаровонлигига катта эътибор қаратилаётгани, биз каби нуронийларга ҳам барча шароитлар яратилганидан кўксимизда фарх туйиб, дуолар қилдик. Бу хайрли ишга бош қўшган барча-барчага чексиз миннатдорлик билдирамиз.

Янгийўллик бир гуруҳ
фахрийлар номидан
Муҳайё ТўЛАГАНОВА

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси Агрое-ноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Асака шахар кенгаши раиси

Ҳидоятullo АХМЕДОВнинг
вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ҳақиқий зиёлининг рутбаси

ёхуд таълим хусусида жисдий бир таклиф

бўлмаганида, шу тизимли даврий жадвал структураси кимёгар олимнинг тушига кирганини эсга олади ва бадий ижодаги туш ҳодисасига боғлаб, ҳаётини мисоллар билан ўз машғулоти-ни бойитади. Пифагор томонидан тузилган қарра жадвалини ёллашга қийналган ижодкорнинг ёзган асарлари нокис бўлганидек, акалли севган ёри ёки дунёга келишига сабабчи бўлган онасига қараб нафосатга тўла эзгу сўзлар ёки икки мисра шеър айта олмаган иктисодчини ҳам яхши мутахассис сифатида баҳоламаган бўлар эдим. Арифметик прогрессия шартлари ёки Гей-Люссак билан Бойл-Мариотнинг газ қонунилари бир марта ўқилганда бир умрга эсда сақланиб қолади, ҳаётда манфаат келтиради. Табиат ва жамиятнинг қонуниятларидан хабарсиз ижодкорнинг асарларида аллақандай кемтиклик, тасвирлаган образларида руҳий нокислик сезилиб қолиши мумкин.

XX асрнинг 90-йилларида таниқли бир олимнинг марказий газеталардан бирида «Фалончининг отаси ўттиз уч пора Курьонни ёд билди» деган таъбирини ўқиб хайратга тушган ва газетанинг бош муҳарририга «Аллоҳнинг муқаддас Китоби таркибига кўра бир юз ўн тўрт сура, ўттиз порадан иборат эканини кўнгирок қилиб айтишга мажбур бўлган эдим. Нима демократик? Ҳар қандай фан соҳасининг мутахассиси Аллоҳнинг қаломидан бо-

секин бир четга суриб қўйилади. Ижод аҳли учун ўқувчисини топа олмаслик, агар топган бўлса, ундан ажралиш — фожа. Ўқувчиси бўлмаган графо-манлардан кўра бахтсизроқ одам бўлмайди дунёда. Елга соғурилган умр учун сарҳисоб маҳали берилдиган саволларга жавоб қайтариш жуда оғир бўлса керак.

Яқинида етиб қолган бундай узун бошланманинг бир сабаби бор. Мактаб таълимида ўқувчиларнинг жуда тор йўналишда билим олаётгани, мактаб дастурулари бир четда қолиб, репетиторга бориб, фақатгина олий ўқув юртиларига кириш учун тест қуни бўладиган санокли фанларини-гина ўқиб юриши, тўғриси, кишини ўйлангирди. Шу сабабдан жуда кўп олий ўқув юртига ўқишга кирган талабаларга билим беришда ўзи танлаган соҳасидан жиндай четга чиқилса, улар баъзан фавқуллода қашфидан хабар топгандек қўзлари чакнаб кетади. Ҳолбуки, бу олдий маълумотлар мактаб дастурларига киритилган бўлади. Олий таълимда ўқитган қўлчилик талабаларнинг фанлараро билим даражаси акалли ўрта мактаб даражасида ҳам эмас. Табиий фанлар бўйича жаҳон олимпиадаларида соғирли ўрин олиб қайтган айрим талабалар замонавий ўз-

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИШ ЧИН МАЪНОДАГИ ЗИЁЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИН ДИПЛОМЛИ МУТАХАССИС ЭРТАГА РАҲБАР БЎЛИШИ МУМКИН. ИМО-ИШОРА ТИЛИ БИЛАН ЖАМОАНИ БОШҚАРИБ БЎЛМАЙДИ. РАҲБАРНИНГ НОТИҚ БЎЛИШ ВА ЎЗ ГОҲЛАРИГА ОДАМЛАРНИ ИШОНТИРИШИ — БУ ЖУДА МУҲИМ МАСАЛАДИР. ШУ БОИСДАН ҲАР ҚАНДАЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА НУТҚ МАДАНИЯТИ, АДАБИЁТ ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ ТОПИШ ҲАМДА ШУ ТАЛАБГА МОС НАМУНАВИЙ РЕЖАЛАР, ФАН ДАСТУРЛАРИ ТУЗИБ, АМАЛИЁТГА ТАЪТИБ ЭТИШ ВАҚТИ АЛЛАҚАЧОН ПИШИБ ЕТИЛДИ.

сус ва олий таълимда шундай таъминли илгари суришимиз дунё ҳамжаҳиятидаги миллий-маънавий қиёфамизни ҳам, илмий-техникавий, адабий-маданий мартабамизни ҳам намоён қилиш учун асос бўлади.

Мен ҳар бир соҳа мутахассиси ШАХС ўларок ўз миллий қадриятлари ва умуминсоний қарашларида қатъий фикрга, руҳий-маънавий юрак бутунлигига эга бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Бундай ШАХС ҳақиқий зиёлига хос мартабага муносибдир.

Ҳикмат

Агар инсон табиятан олижаноб бўлмаганида, у ер юзидеги энг улуғ мавжудот бўла олмас эди.

Ёҳанн Волфганг Гёте

Реклама ва эълонлар

«ИПАК ЙЎЛИ»

АИТБ қуйидаги

автомобилларни со-

воситаларини со-

тутува чиқарди.

Маълумот учун

телефон: +99871

140-69-00. Ички

рақам — 1108

№	Автомобил	русуми	й/ч йили
1	NEXIA		2010
2	NEXIA		2011
3	NEXIA		2011
4	NEXIA		2011
5	LACETTI		2009
6	LACETTI		2010
7	LACETTI		2011
8	MATIZ		2010
9	DAMAS		2010

«IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ

Сизларни 2018 йил 29 май куни соат 14:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Наманган вилояти, Поп туманида жойлашган «Парла-Турсун» снл касалликларни санатория-сига тегишли, санатория биносига сакланган:

1. 1991 йилда й/ч. «ГАЗ-53» русумли, д/р 50-214-НАА бўлган таъмирталаб автотранспорт воситаси — 2 836 680 сўм;

2. 1997 йилда й/ч. «ДАМАС STD» русумли, т/в тури махсус (тиббий ёрдам), д/р 50-953-ГАА бўлган таъмир-талаб автотранспорт воситаси 7 518 162 сўм бошланғич баҳода;

Шунингдек, 2018 йил 29 май куни соат 14:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига Наманган вилояти, Чирчиқ тумани Пейшкўрон ҚФЙда жойлашган «Пейшкўрон савоат соҳиб» МЧЖ шаклидаги агроинвест фирмаси ба-лансидеги, 1996 йилда ишлаб чиқариладиган, «Нексия» русумли, давлат рақами 50-630-ЛАА бўлган таъмирталаб автотранспорт воситаси 9 275 008 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Маъжур автотранспорт воситалари 2018 йил 29 май куни сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2018 йил 5, 12, 19, 26 июнь кунлари соат 14:00 да ўткази-ладик.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни маъжур ёллон матин чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00

га қадар (тушлик соат 12:00 дан 13:00 гача) қуйида кўрсати-лган манзилда қабул қилинади ва 2018 йил 29 май куни ўткази-лиши белгиланган савдо учун 28 май (тақририй савдолар учун мос равишда 2018 йил 4, 11, 18, 25 июнь) кунлари соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Заказат пули тўғрисидаги келишувга» асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зака-лат пулини «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» Наманган вилоят филиали, МЧЖ-01054, ИНН: 302948717, 202080003032835001 ҳис-об рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топши-ришлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғриси-даги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нус-хаси, заказат пули тўлашгани ҳақида тўлов ҳужжати, ва-колатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмий-лаштирилган ишончнома. Иштирий қўшимча ҳизматлар кўрсатиш учун тўлов олинди.

Қўшимча маълумот олиш ва савдо ўтказиш манзили: Савдо ташкилотчиси: «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ.

Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси, 14-уй (Наманган ви-лояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биносининг 1-қавати, 5-хона), Телефон: (0369) 227-25-27, 227-25-22.

Веб-сайт: www.autosavdo.uz, e-mail: info@autosavdo.uz. Гувоҳнома: № 07183.

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Фарғона вилояти прокурату-расининг 25.04.2018 йилги 28/04-18 соҳли хатига асосан қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмади:

1. «Нексия» русумли автомашина, 2006 йилда й/ч. д/р: 40 630 АВА, бошланғич баҳоси — 12 246 000 сўм;

2. «Нексия» русумли автомашина, 2007 йилда й/ч. д/р: 40 629 АВА, бошланғич баҳоси — 12 149 000 сўм;

3. «Нексия» русумли автомашина, 2006 йилда й/ч. д/р: 40 628 АВА, бошланғич баҳоси — 12 377 000 сўм;

4. «Нексия» русумли автомашина, 2006 йилда й/ч. д/р: 40 627 АВА, бошланғич баҳоси — 12 272 000 сўм;

5. «Нексия» русумли автомашина, 2006 йилда й/ч. д/р: 40 624 АВА, бошланғич баҳоси — 12 189 000 сўм;

6. «Нексия» русумли автомашина, 2006 йилда й/ч. д/р: 0 623 АВА, бошланғич баҳоси — 12 250 000 сўм;

7. «Нексия» русумли автомашина, 2006 йилда й/ч. д/р: 40 625 АВА, бошланғич баҳоси — 12 590 000 сўм.

Ёпиқ аукцион савдолари 2018 йилнинг 28 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аук-цион савдосига талабномалар вилоят про-

куратураси органолида ишловчи ходи-млардан хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилинишиг охири муддати 2018 йил 25 май соат 16:00.

Талабдорлар диктатига!

Юқорида кўрсатилган мулклар 28 май куни савдога сотилмаган тақдирда, тақри-рий савдоси 2018 йилнинг 8 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Тақририй савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдо голиб деб топилган шахсга 10 (ун) иш куни ичида сотувчи билан ол-ди-сизли шартномаси тузиш мажбурияти юклатилди.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳоси-нинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заказат пулини заказат келишув шартно-маси имзолаганидан сўнг «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақа-мига тўлашлари лозим: Х/Р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753. Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, С. Темур кўчаси, 45-уй. Тел.: (+998 95) 402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

Ҳизматлар лицензияланган.

Талабларнингизга биноан. «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилди.

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва акборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.	Бош муҳаррир: Ҳусан ЭРМАТОВ Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63 Хўқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43 Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73 www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан таълишишнинг мумкин.	Манзиллими: 100165, Ташкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй, E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Бухоро Турон кўчаси, 41-уй. Тахририй ҳисоб рақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТБ «Iprotka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130	Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32 Андижон — (+998-91) 475-23-60 Бухоро — (+998-93) 653-50-81 Жиззах — (+998-91) 943-67-44 Наманган — (+998-90) 260-50-77 Навоий — (+998-93) 314-13-03 Самарқанд — (+998-97) 915-50-87 Сирдарё — (+998-90) 610-95-55 Сўхрондарё — (+998-91) 233-69-07 Фарғона — (+998-90) 991-55-71 Хоразм — (+998-90) 719-48-00 Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01 «Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририй нукта назаридан фанқилиши мумкин.	Навбатчи муҳаррир: А. Тошев Навбатчи: Н.Махаматов Мухасши: С. Шодиева Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов Босишга топшириш вақти: —04:10 Топширилди: — 04:30 1 2 3 4 5 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳаҳми 2 босма табоқ. Буюртма Г — 409. 33247 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133
--	---	---	---	---